

# "Араб адабий тили" 1-китоб



05:00 / 02.02.2015 12730

## "Араб адабий тили" 1-китоб

“АРАБ АДАБИЙ ТИЛИ”

(Бошланғич китоб: қоида ва машқлар)

Мазкур ўқув қўлланма “GRAND-TA`LIM” нодавлат таълим муассасаси ўқитувчилари томонидан тайёрланган илк ўқув адабиётидир.

Мазкур ўқув қўлланма шу каби китобларни яратиш борасида илғор услубларга таянган ҳолда тузилди ва ҳозиргача республикамизда чоп этилган араб тилига оид ўқув қўлланмалардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Унда оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Ўқув қўлланмадаги ҳар бир дарс қоида, матн, янги сўзлар, матнга саволлар, янги ўтилган матнни мустаҳкамлаш ва

олдингиларини такрорлаш учун машқлардан ташкил топган.

Матнларнинг турли мавзулардаги “суҳбат” шаклида экани ўқувчи лексикасидан турли соҳаларга оид сўзларнинг ўрин олиши ва сўзлаша олиш имкониятининг кенгайишини таъминлайди.

Мазкур ўқув қўлланманинг ўзлаштирилиши самарали бўлиши учун ҳозирги кунда етакчи мутахассислар тавсия этаётган ўқув ўйинларидан ҳам фойдаланилди. Мана шундай ўқув ўйинлари интерактив, интенсив ва инновацион методларни ўзида мужассам этади. Ўқув ўйинлари натижасида тилни ўрганаётган ҳар қандай талаба ўша тилни яхши ўзлаштиради ва ўзида эшитиш, гапириш, ёзма нутқ каби маданиятларини ўстиради.

Мазкур ўқув қўлланма тўртта китобдан иборат. Қўлингиздаги қўлланма биринчи китобдир.

**Муаллиф:** “Grand Ta’lim” Нодавлат таълим муассасаси

**Номи:** Араб адабий тили 1-китоб

**Нашриёт:** “HILOL NASHR” МЧЖ

**Сана:** 2011

**Ҳажми:** 256 бет

**ISBN:** 978-9943-4006-1-0

**Ўлчами:** 60×84 1/8

**Нархи:** 28 000 сўм

Мурожаат учун телефон: (+998 71) 216 29 27